

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 март куни қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва соҳани замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича ишлар натижадорлиги, мавжуд муаммолар ва энг долзарб вазифалар таҳлилига бағишланган йўналиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабхалари қатори қишлоқ хўжалигида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш, тармоқни илгор усуллар асосида ривожлантиришда соҳанин моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, машина-трактор паркларини замонавий техника ва агрегатлар билан таъминлаш муҳим ўрин тутadi.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги “Ўзгротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими тубдан қайта ташкил этилди.

Тармоқнинг техникавий базасини такомиллаштириш мақсадида “Ўзгротехсаноатхолдинг”, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича “Ўзгротехмаш”, лизинг асосида етказиш бўйича “Ўзагролизинг”, сервис ва механизация хизматлари кўрсатиш учун “Ўзагросервис” жамиятлари тuzилди. Машина-трактор паркларининг бюджет олдидagi қарзларини тўлаш муддати 2 йилга кечиктирилди.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Наманган вилоятларида фермерлар учун лизинг муддати 10 йилдан 12 йилга, машина-трактор парклари учун 7 йилдан 10 йилга узайтирилди. Фермерлар ва машина-трактор паркларига қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш учун 5 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш ва лизинг хизматлари 1,7 баробар, механизация хизматлари 2,5 баробар ортди.

Йўналишда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, сервис хизматини яхшилаш, импортни оптималлаштириш, экспортни кенгайтириш бўйича муайян камчиликлар мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги техника билан 85 фоиз таъминлангани, маълум қисми эскиргани, уларни ўз вақтида янгилаш чоралари қўрилгани қаттиқ танқид қилинди. Белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида назорат қилмагани учун Бош вазир ўринбосари — “Ўзгротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти бош директори Р. Аҳмедов, “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти бош директори Х. Имомов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил департаменти мудири А. Рафиқов эғаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Хамжихатлик

Яқин қўшнилар, ҳамкор ва қардошлар

Хабар қилинганидек, мамлакатимиз раҳбарининг Остонага амалга оширадиган таширфи доирасида Шавкат Мирзиёев Қозогистонда Ўзбекистон йилининг очилиш маросимида иштирок этади.

2017 йил сентябрь ойида давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбаевнинг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви чоғида 2018 йили Қозогистонда Ўзбекистон йилини ҳамда 2019 йили Ўзбекистонда Қозогистон йилини ўтказиш ташаббуси илгари сурилган эди. Шунга таъкидлаш жоизки, бу оддий рамзий ишора эмас, балки олий даражадаги алоқаларнинг сезиларли даражада фаоллашгани ва давлатларимиз етакчиларининг қатъий сиёсий иродаси бундай қарорга асос бўлган эди.

Қозогистонда Ўзбекистон йили дастури кенг қамровли тадбирларга бой, улардан кўзланган асосий мақсад — икки халқ ўртасидаги қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш.

Масалан, Остонада Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссиянинг навбатдаги йи

лишишни ўтказиш мўлжалланмоқда. Таъриба алмашиш ҳамда бевосита ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш учун Ўзбекистон ва Қозогистоннинг қатор вилоятлари делегациялари таширфи кутилимоқда. Кўшма бизнес форумлари, минтақаларнинг алоҳида жиҳатлари ҳамда имкониятларини ақс эттирадиган саноат махсулотлари кўргазмаларини ташкил қилиш режалаштириляпти. Шунингдек, томонлар Кўшма ишбилармонлик кенгашини тасис этиш ва унинг биринчи мажлисини Қозогистонда ўтказиш ниятидадир.

(Давоми 3-бетда).

«Халқ сўзи» минбари

Муфтий Шайх Равиль ҒАЙНУТДИН,
Россия Федерацияси Муслмонлар диний бошқармаси,
Россия Муфтийлар кенгаши раиси:

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ ҚАРАШЛАРИМИЗ МУШТАРАҚДИР

Анча йиллар муқаддам собиқ иттифокнинг турли худудларидан келган ўнлаб ёшлар сафида машҳур Мир Араб мадрасасида ислом дини асосларини сабоқ олган чоғида қадим Бухоро иккинчи азиз маконига айланган эди. Ушанда биз асл ҳақиқатни англаш, ислом йўлида хизмат қилиш иштиёқида эдик. Аммо ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ҳаққоний теран билимлар йиллар ўтиб миллионлаб юртдошларимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиши, жамиятимизнинг маънавий-маърифий эҳтиёжи йўлида улкан моҳият касб этиши мумкинлиги мутлақо ҳаёлимизга келмаганди. Бухорога, беназир исломий тарбия ва етук таълим берганлари учун устозларимга миннатдорлигимни қалбимда ҳанузгача сақлаб келаман. Мураббийларим, талабалик давримдаги қадрдонларим би



лан маънавий қардошлик алоқаларини қўллаб-қувватлашга мудом интиламан.

Бугун Ўзбекистон ислом маърифати марказларидан бири сифатида тараққиётнинг янги босқичига чиқаётганини, замонавий толиби илмларга ХХI асрда ишончли истиқбол бахш

этаётганини қатта ҳайрат ҳамда ҳаяжон билан кузатиб бораёпман. Бу Тошкент шаҳрида магистратура ва докторантура даражаларида таълим йўналишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Ислам академияси таъсис этилгани, Ўзбекистон Ислам цивилизацияси маркази ташкил қилингани мисолида аққол намоеъ бўлмоқда. Қолаверса, ҳадемай, Самарқандда ҳадисшунослик бўйича Имом Бухорий илмий маркази, қалом илмини ўргатиш бўйича Имом Мотуридий маркази очилди. Айни чоғда Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф илми, Фарғонадаги Марғинионий илмий марказида ислом ҳуқуқи, Қашқадарёдаги Абу Муин Насафий марказида ақида илмидан сабоқ беришга киришилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат тузилмаси ва давлат чегаралари дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этиш, жамиятдаги миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тинчлик ва осойишталик — демократик ҳуқуқий давлат қуришининг ҳамда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати мамлакатнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини ташки ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимида алоҳида ўрин тутadi.

Шу билан бирга, Миллий хавфсизлик хизматининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб берувчи қонун ҳужжати яратилмай туриб, унга миллий хавфсизлиқни таъминлашнинг барча жиҳатлари юклатилгани ушбу идоранинг давлат органлари фаолиятининг барча соҳаларига асоссиз аралашувиغا шарт-шароит яратиб берди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташки ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати сифатида қайта ташкил этилсин.
- Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташки ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгилансин.
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (бундан бўён Хизмат деб юритилади) фаолиятини ташкил этишининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:
- Хизматнинг махсус ваколатли давлат хавфсизлик органи сифатидаги ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва фаолият йўналишларини аниқ белгилаб берувчи мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш;
- бугунги кундаги хавф-хатарлар ва таҳдидларга қарши қурашнинг таъсирчан шакл ҳамда услубларини жорий этиш;
- юзга келаятган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришда мавжуд куч ҳамда воситалардан самарали фойдаланиш имконини берувчи ташкилий тузилмани шакллантириш;
- Хизмат фаолиятини давлат хавфсизлигини таъминлаш ишларининг шакл ва услублари,

шунингдек, Хизмат ҳарбий хизматчиларининг идоравий мансублиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлишини истисно этувчи конспирация тамойили асосида ташкил этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этилишини кафолатлайдиган таъсирчан механизмларни жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қодир, ҳар томонлама етук ва ватанпарвар ёшларни Хизматга жалб этишга қаратилган кадрларни танлаш ва тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини яратиш;

меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларни яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш орқали Хизмат ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

3. Хизматнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва манфаатларини ташки ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига таъжовузлиларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қуроли Қучлари ва мудофаа-саноат мажмуасини давлат хавфсизлигига хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш;

терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши қурашиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш;

иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг тарихий-маданий ва бой маънавий меросини ҳимоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши қурашиш;

телекоммуникация ва транспорт соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларни юзага келтирувчи омилларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Хизмат тергов қилиш ваколатига кирувчи жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов олиб бориш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирлари сақланиши, махсус алоқа хавфсизлигининг таъминлишини ҳамда ахборотларни криптографик ҳимоя қилишни ташкил этиш устидан назоратни амалга ошириш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

Хизматнинг жанговар ва сафарбарлик

тайёргарлиги ҳолатини такомиллаштириш ва сақлаб туриш, куч ва воситаларни фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳамда ҳарбий ҳолат жорий қилингандаги ҳаракатларга тайёрлаш.

4. 2018 йил 1 апрелдан қуйидаги функциялар:

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришга рухсат бериш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига;

режимли мудофаа объектларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш учун лицензия талабгорларига рухсат этилганлиги ҳақида маълумотнома бериш — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ўтказилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” Фаол тадбиркорлик, инновацион гоьлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасини қайта ишлаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хизмат билан биргаликда бир ой муддатда 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари учун арзон уй-жойларни қуриш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг байроғи ва эмблемаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, байроқ ва эмблемадан фойдаланиш тартиби Хизмат раиси томонидан тасдиқланади.

8. Хизмат икки ой муддатда:

Хизмат фаолиятини ташкил этиш;

Хизматнинг таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг самарадорлигини оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хизмат ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармониға
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармониға
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғининг ТАВСИФИ



Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғи барқарорлик, матонат, содиқлик, фидойилик ва мардликни ифода этувчи тўқ кўк рангли тўғри бурчакли мато кўринишига эга.

Байроқ марказида геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг эмблемаси тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғининг узунлиги — 250 см, эни — 125 см.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати эмблемаси — геральдик белги ТАВСИФИ



англлатувчи саккиз қиррали иккита юлдуз билан ажратилган.

Доира марказида давлат ва жамиятни ташки ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш рамзини англлатувчи, пастки қисми чўзилган, юқори бурчаклари кесилган учбурчак кўринишига эга қалқон тасвирланган. Қалқон юзаси қумуш рангда. Қалқоннинг марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидан қалқоннинг камбар хошияларига қадар куёш нурларини ифодаловчи тўғри чизиклар тортилган.

Қалқоннинг кесилган икки юқори ва пастки бурчакларида шахс, жамият ва давлат манфаатлари муҳофазасини англлатувчи учта халқа тасвирланган.

Қалқон ортида симметрия ўқи бўйича тиги пастга йўналтирилган қилич жойлашган. Қилич куч, шаян, адолат, жасорат ва ҳушёрликни англлатади.

Қилич қумуш рангда. Қилич дастаги еттита халқадан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий тамойилларини англлатади.

Қалқон ва қилич ортида симметрик равишда икки томонга хилираётган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг қалқон ва қилич ортида жойлашуви конституциявий тузум, суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва давлат манфаатларининг ташки ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлигини англлатади.

Яқин қўшнилар, ҳамкор ва қардошлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сайёҳлик соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мисол учун, Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Хива ҳамда Чимкент — Туркистон — Остона ва аксинча йўналишлардаги сайёҳлик дастурини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ўзбеклар заминида жуда кўп сонли муқаддас қадамжолар ҳамда диний ёдгорликлар мавжудлиги назарда тутилган ҳолда, Ўзбекистон бўйлаб зиёрат туризмини оммалаштириш бўйича Қозоғистоннинг қатор шахрларида тақдирот маросимлари ўтказилиши кутилмоқда. Икки мамлакат бизнес субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида сайёҳлик форуми ва “Made in Uzbekistan” бренди остида эсдалик буюмлари ярмаркасини ташкил этиш режалаштирилган.

Жорий йилда Қозоғистоннинг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари республикаимизнинг сайёҳлик индустрияси соҳасидаги имкониятлари билан танишиш ҳамда уларни ёритиш учун Ўзбекистонга келишади.

Муносабат

Ягона тарих, умумий келажак, барқарор юксалиш

қон-қардошлигимизнинг улуг мақсадларига хизмат қилади

Мамлакатимизнинг қўшнилари оддий эмас: қон-қардош, жон-жондош қўшнилар. Тарихларни бирга яратганмиз, маданиятларни бирга қурганмиз. Қайси тилда гаплашмайлик, кундалик мулоқотлар қилмайлик — ҳамиша бир-биримизни тўла тушунганмиз: чунки биз сўзлашиб келган тил оға-инилар тили, бу оға-иниликка юракларимизни оғушта қилганмиз.

Зеро, қон-қардошни қадрласак, ардоқласак, Жанубда, Шимолда, Машриғу Мағрибда ҳам барчамизни ардоқлашларини, жаҳон сиёсати майдонида, унинг маънавият ва маърифат ўрамларида бизни ёқлашларини яхши англаймиз. Махтумқули, Аҳмад Дониш, Бердак, Чингиз Айтматов, Абай Қўнонбоев сўзлари бизга худди Навоий, Чўлпон сўзидек мўйдай ёқади. Уларнинг оламшумул инсонпарварликларидан кўнглимиз юксакларга кўтарилади, уларнинг сўзлари бизга кимлигимиз, қаердан келаётганлигимиз, дунё халқлари қаторида қандай ўрин тутганлигимиз ҳамда тутажагимизни англатади ва улуг келажакдан дарак-муждалар айтади. Булар қандай денгизлар ахир! Булар қандай сероб-серхаёт дарёлар ахир! Президентимиз Шавкат Мирзиёев мана шуларни юракдан ҳис қилади, шунинг учун замонамизнинг катта сиёсати-ю уларни ҳамоҳанг-оғушта қилади. Сиёсат ҳаракатдаги реалликка айланади. Сиёсат, иқтисод, ижтимоийлик, маданият, тарих бирлашиб ягона қудратли куч каби тарих сахнасида чиқади. Зеро, буларни ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайди, айри тасаввур қилиб бўлмайди. Абай Қўнонбоевни биз худди озодлик жарчиси ва фидоқори Бехбўдий каби англаймиз ва эъзозлаймиз. Уларнинг эрк ҳамда инсонпарварлик, миллий равақ гоялари биз учун доим тирик ва доим ҳамият майдонларида ҳаракатда.

Биз Президентимизнинг 2018 йил 13 мартда имзоланган “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги

Самарқанд — Остона, Самарқанд — Алмати, Урганч — Остона, Урганч — Алмати, Бухоро — Остона, Бухоро — Алмати йўналишлари бўйича мунтазам авиақатновларни очиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Шубҳа йўқки, бу борадаги музокараларнинг муваффақиятли якунланиши ўзаро сайёҳлар оқимини сезиларли даражада ошириш имкониятини яратади.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида тўхталганда, мамлакатларимизнинг янги геосиёсий ва геоиқтисодий шароитлардаги ҳамкорлиги истиқболларига бағишлаб ўтказиладиган йирик илмий-амалий конференцияни алоҳида қайд этиш жоиздир. Икки давлат ўқув муассасалари кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида ўзаро шериклики йўлга қўйишмоқчи. Ўзбек кинематографлари кинофестивалларда қатнашиш ва ўзларининг ижодий маҳсулотларини намойиш қилиш учун Қозоғистонга боришади.

Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ўзаро ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Хусусан, сайёғокларни асраш, кўпайтириш ҳамда уларнинг барқарор яшаши таъминланиши учун чоратадбирларни кўчайтириш мақсади белгилаб олинган. Ичимлик сувининг сифати бўйича тармоқ идоралари мутахассисларидан иборат қўшма ишчи гуруҳни тузиш бўйича музокаралар бошланади.

Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида режалаштирилган тадбирлар рўйхати юқоридагилар билан кифояланмайди, қолаверса, 2018 йил билан чегараланиб ҳам қолмайди. Тошкент ва Остона олдида кенг қамровли ишлар турибди: улар икки мамлакатнинг барча даражада ва йўналишларда янада яқинлашишга, бутун Марказий Осиёда уйғун ривожланишнинг таъминланишига имконият яратади.

2019 йил Ўзбекистонда Қозоғистон йили бўлишини ҳам қайд этиш жоиз. Буларнинг барчаси икки томонлама муносабатларни кенг қўламда равнақ топтириш бўйича қардош халқлар интилишларининг муштараклигидан далолат беради.

«Жаҳон» АА.

Давра суҳбати

Ўзбекистон — Европа иттифоқи: ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ ЯНГИ СТРАТЕГИЯСИ

Пойтахтимизда ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ҳамкорлигининг истиқболлари ҳамда устувор йўналишлари ва Европа иттифоқининг Марказий Осиё билан ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқиладиган янги стратегиясининг асосий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Европа иттифоқи делегацияси ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг мамлакатимиздаги жаколатхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бўлагида ташкил этилган тадбирда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари вакиллари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг очик ва конструктив ташқи сиёсати Марказий Осиёда принципал жиҳатдан мутлақо янги, стратегик жиҳатдан тарихий муҳитни шакллантириш имконини бериди. Бу минтама мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда, амалий муносабатлардаги тўб ўзгаришлар билан ажралиб турибди. Халқаро экспертлар фикрича, Марказий Осиё янги тарихда биринчи марта дунё сиёсати субъекти сифатида намоён бўлди. Минтақа учун бутунлай янги шарт-шароитларда етакчи халқаро тузилмалардан бири бўлмиш Европа иттифоқининг ролини фаоллаштириш муҳим ўрин тутати.

Бунда минтақадаги ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, унинг дунё сиёсий ва иқтисодий тизимларига тўлақонли интеграциялашувига кўмаклашишга урғунни кўчайтириш лозим.

Ўзбекистон Европа иттифоқини халқаро майдонда энг муҳим шерикларидан бири сифатида қўриши ҳамда ушбу тузилма билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратиши қайд этилди. Тадбир иш-тироқчилари таъкидлаганидек, савдо, инвестиция, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий қилиш, таълимни ривожлантириш, экология, соғлиқни сақлаш, фан, технология, маданият, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизлик каби қатор соҳаларда Ўзбекистон ҳамда Европа иттифоқи ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.

Хорижлик қатнашчилар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий янгиланишлар билан таништирилди. Ўзбекистон тарафи Европа итти-

Петер БУРИАН, Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили:

«ЕИ МИНТАҚАДА КЕЧАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ»

Пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик: келажакка назар” мавзусидаги давра суҳбатида Европа иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Петер Буриан иштирок этиб, ишлаб чиқиладиган “Европа иттифоқи — Марказий Осиё” янги стратегиясининг асосий йўналишларини тақдим этди. Элчи жаноблари Европа иттифоқи шериклик муносабатларини янгича мазмун билан бойитишдан манфаатдор эканлигини билдирди.

НИГОҲ

— Мазкур учрашув Европа иттифоқи ҳамда Марказий Осиёнинг келажакдаги ҳамкорлик муносабатларига доир стратегик масала муҳокама қилинаётгани билан ҳам нияҳатда аҳамиятлидир. Ушбу тадбир янги ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича йирик жараёнинг муҳим қисми бўлиб, давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари билан ушбу йўналишда самарали мулоқотни йўлга қўйиш имконияти ҳамдир.
Ҳамкорлик алоқаларимиз самарали бўлиши учун эса янги йўналишларни биргаликда ишлаб чиқиш жуда зарур. Томонларнинг умумий манфаатларига жавоб берадиган стратегияни ишлаб чиқишда ҳақиқий вазиятни чуқур тушуниш, шерикларнинг истак-хоҳишлари ва устувор йўналишларини мукаммал билиш талаб этилади.

Биз мамлакатингизнинг минтакавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида урғу бераётганини қўллаб-қувватлаймиз. Афғонистон бўйича халқаро конферен-

цияни ўтказиш ташаббуси ана шу ҳамкорликка интилишнинг амалий ифодасидир. Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўз хавфсизлигини таъминлаш учун қўшни мамлакат хавфсизлигини қўллаб-қувватлаши ҳамда инвестиция киритиши жуда муҳим. Шу йилнинг 26-27 март кунлари бўлиб ўтадиган юқори даражадаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёндаги ролини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини мазкур конференцияда иштирок этишини тасдиқлади. Бу ҳам Европа иттифоқи ушбу муҳим тадбирга катта эътибор қаратаётганидан далолатдир.

Европа иттифоқи минтақада, жумладан, Ўзбекистонда кечаётган ижобий ўзгаришларни, яъни янги иқтисодий тизимлар яратилишини, қонунчилик

базаси такомиллаштирилишини, барқарор тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлайди. Айтиш мумкинки, ўтган даврда ҳамкорлигимиз ҳар томонлама юксалди. Бунда Ўзбекистоннинг ҳисаси нияҳатда катта. Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция минтақада мутлақо янги муҳитни қарор топтиришнинг рамзига айланди. Ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган “Европа иттифоқи — Марказий Осиё” форматидagi давлатлар ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашувига ўрнатилган ўзаро ҳамкорлиқнинг янги руҳи Европа иттифоқи билан муносабатларга ҳам кўчди. Бинобарин, ушбу учрашув якунида “ЕИ ва Марказий Осиё: янада хавфсиз ва муваффақиятли келажак йўлида ҳамкорлик” қўшма коммюникеси қабул қилинган эди.

Европа иттифоқи мамлакатингизда кечаётган модернизация жараёнида муҳим шерик ҳисобланади. Биз Ўзбекистон ривожланишнинг машаққатли йўлини босиб ўтганини, яъни қолоқ инфратузилма, Орол ҳалокати сингари ўткир экологик муаммоларга дуч келганини яхши тушунамиз. Бундан ташқари, мамлакат глобал тизимга интеграция жараёнида доимий равишда турли янги тўсиқларни босиб ўтишга мажбур бўлди.

Барча машаққатга қарамасдан,

ринчи марта қўришим. Биз айнан Ҳаракатлар стратегияси тадбирларини қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратамиз.

— Биз Ўзбекистоннинг минтақада яхши қўшничилик муносабатларини кенгайтириш ҳамда Афғонистонда тинчликни қарор топтириш йўлида кўмаклашишга тайёрлигига гувоҳ бўлаяпмиз, — деди Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг минтакавий директори Хенриетта Кифер. — Республиканинг янги минтакавий сиёсати халқаро ташкилотларга, шу жумладан, бизнинг жамғармамизга мамлакат ва минтақанинг ривожланишига ҳисса қўшишга имкон яратмоқда. Биз бугун мавжуд муаммолар ҳақида очикча гапираятганимиз ҳамда уларга биргаликда ечим топаётганимиз бунинг амалий тасдиғидир. Европа иттифоқи Марказий Осиё бўйича янги стратегиясини тайёрламоқда. Бу жуда ҳам муҳимдир. Чунки амалдаги стратегия 2007 йилда қабул қилинган эди. Табиийки, уни замон талабларидан келиб чиқиб янгилаш зарурати турилганди.

Мунозараларда экспертлар Марказий Осиёдаги замонавий ҳафв ва таҳдидларни бартафрқ этишнинг самарали йўларини топиш имкониятлари борасида фикр ҳамда таклифларни билдиришди.

Давра суҳбати якунлари бўйича Ўзбекистоннинг ЕИ асосий тузилмалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Наманганга Жалолобод вилояти делегацияси ташриф буюрди



Кеча Наманган вилоятига Қирғизистон Республикаси ҳукуматининг Жалолобод вилоятидаги мухтор вакили Қиянбек Сотиболдиев бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Ушбу сафар доирасида иқтисодий, маданий, гуманитар ва савдо соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича музокаралар ўтказилди.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Жалолобод вилояти маъмурияти вакиллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, туман ҳокимлари, шунингдек, маданият ҳамда санъат, фан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаси мутасаддилари, тадбиркор ва ишбилармонлардан иборат делегация аъзолари “Косонсой-авто” назорат-ўтказиш масканида қарнай-сурнай садолари остида тантанали кутиб олинди.

Сафарнинг биринчи кундаги тадбирлар Наманган шаҳридаги “Ешлар маркази”-да тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг бизнес форуми билан бошланди. Мехмонлар дастлаб бу ерда маҳаллий маҳсулотлар кўргазмаси билан танишдилар.

Шундан сўнг анжуман иштирокчиларига Наманган вилоятининг иқтисодий салоҳияти, худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлида олиб борилаётган ислохотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси хусусидаги маълумотлар тақдим этилди. — Наманганда санаят, айниқса, тўқимачилик соҳасининг жадал равнақ топганлиги ҳақида кўп эшитгандик, — дейди делегация аъзоси Ирисбек Эргашев. — Мана, бугун вилоятдаги “Ифтихор кийим санаят”, “Люкс плюс сервис”, “Истиқлол дизайн” сингари тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишдик. Уларда тикилаётган бежирим трикотаж буюмлари ҳар қандай

нозиктаъб харидор дидига мос келиши билан ажралиб туради. Бизнес форуми жараёнида ана шу корхоналар раҳбарлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида ўзаро келишиб олдик.

“Олабуқа қирғиз эт” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эсен Худайбердиев ўз юртига бир қатор иқтисодий келишувлар билан қайтадиган бўлди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланиб келаётган тадбиркорнинг ўзида мўл-кўл бўлган табиий терини қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик таклифи наманганлик ишбилармонларга маъқул тушди. Бундан ташқари, форумда богдорчиликни ривожлантириш, кимёвий моддалар, ўсимлик-



Хотун МАМАДАЛИЕВ (ўра) олган суратлар.

лар зараркундаларига қарши кураш воситалари етказиб бериш, аграр соҳа учун мўлжалланган техника ҳамда технологиялар ва кенг истеъмол моллари тайёрлаш масалаларида икки томонлама манфаатли музокаралар ўтказилди.

Қирғизистонлик меҳмонлар шу куни вилоят марказидаги “Дўстлик уйи”, Тўрақўрғон туманидаги “Исҳоқхон тўра Иброт” мажмуаси, Наманган туманидаги “Мусаффо иқлим тране” чорвачилик ҳамда сут-ни қайта ишлашга ихтисос-

лаштирилган фермер ҳўжалиқари ш кураш воситалари етказиб бериш, аграр соҳа учун мўлжалланган техника ҳамда технологиялар ва кенг истеъмол моллари тайёрлаш масалаларида икки томонлама манфаатли музокаралар ўтказилди.

Қирғизистонлик меҳмонлар шу куни вилоят марказидаги “Дўстлик уйи”, Тўрақўрғон туманидаги “Исҳоқхон тўра Иброт” мажмуаси, Наманган туманидаги “Мусаффо иқлим тране” чорвачилик ҳамда сут-ни қайта ишлашга ихтисос-

лаштирилган фермер ҳўжалиқга ташриф буюрдилар.

Шунингдек, жалолободликлар вилоят мисолида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, Наманган шаҳридаги санъат галереяси, спорт мажмуаси фаолияти билан ҳам яқиндан танишмоқдалар. Турли соҳалар бўйича ҳамкорлик ўрнатиш бўйича меморандумлар имзоланиши кўзда тутилган.

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди “Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” мавзuida

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртма номалари қабул қилинади:

1. Аёллар ва ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексаларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қўшма иш режалари ва дастурларини амалга ошириш.

2. Чекка, тоғли ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларда янги иш ўринлари, ижтимоий ва маиший инфратузилм яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қўмаклашиш.

3. Аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этишга қўлай шарт-шароит яратиш, давлат органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлашга қўмаклашиш.

4. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қўмаклашувчи комплекс

тадбирларни рўйбга чиқариш.

5. Оилада маънавий-ахлоқий муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта ва шаръий никоҳлар, ногиронлиги бўлган болалар дунёга келишининг олдини олишга қўмаклашиш.

6. Давлат органлари ва бизнес субъектлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар, ёшларни тадбиркорлик ва оилавий бизнесга кенг жалб қилиш.

7. Кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари ва инновацион усулларини жорий этиш.

8. Оилада соғлом муҳитни юксалтириш, аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини тарғиб қилиш, қайнона ва келин муносабатларини мустаҳкамлашга қўмак кўрсатиш.

9. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, энг аввало, ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий корхоналарни шакллантириш, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар, хизматлар ва ишлар бажарилишини йўлга қўйиш.

10. Уюшмаган ёшларни, ногиронлиги бўлган аёллар ва қизларни, жазони ўташ жойларидан озод қилинган, муқим турар-жойга эга бўлмаган шахсларнинг жамиятга ижтимоий интеграцияси ва реабилитациясига қаратилган дастурларни давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш.

11. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури ижросининг аниқ натижалари, ислохотлар жараёнларини хорижий ОАВда кенг ёритиш.

Давлат гранти ажратиши учун куйидаги хужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-

сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат

ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 30 миллион сўмгача.

Хужжатлар 2018 йил 15 мартдан 20 апрелгача қабул қилинади.

Хужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй.

Хужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди “Хорижий ва маҳаллий ОАВларда юксак ҳуқуқий тафаккурни, инсон ҳуқуқлари маданиятини, жамоатчилик назоратининг инновацион шакл ва механизмларини кенг тарғиб этиш” мавзuida

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг куйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа-буюртма номалари қабул қилинади:

1. Мамлакат парламенти қабул қилган янги қонунлар, Президент фармонлари, қарорларининг асосий жиҳатларини кенг оммага етказишнинг самарали инновацион шакл ва механизмларини татбиқ этиш.

2. Қонунларнинг инсонлар ҳаётига реал таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқотининг янги усулларини, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли ва аҳамиятини юксалтиришнинг инновацион усулларини жорий этиш.

3. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишнинг инновацион шакллари амалиётга киритишга қўмаклашиш.

4. Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича ҳамкорликдаги дастурларни самарали амалга ошириш.

5. Қонун лойиҳаларининг эксперт ва жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, жумладан, махсус телекўрсатув ва радиокўрсаткичлар

уюштириш, интернет ва босма нашрларда мақолалар чоп этиш.

6. Давлат органлари билан ҳамкорликда ОАВ материалларининг профессионал, мафкуравий ва бадий даражасини юксалтириш дастурларини амалга ошириш.

7. Ёш журналист ва техник ходимлар маҳорати ҳамда ижодий фаоллигини юксалтиришда ижтимоий шериклини кучайтириш.

8. ОАВнинг фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, социал-ҳуқуқий онгига ижобий таъсирини кучайтириш.

9. Коммунал, савдо ва хизмат кўрсатиш, умумий оқатланиш соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш ва жамоатчилик назоратининг инновацион усулларини рўйбга қилириш.

10. “Давлат органлари халқ хизматида” шиори остида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, қонунга ҳурмат, жиноятчиликка муросазлик туйғусини кучайтиришга қўмаклашиш.

11. Давлат органларида мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатларини таъминлаш.

12. Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини ОАВда кенг ёритиш.

13. Аёллар ва болаларнинг

ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда давлат органлари билан ижтимоий шериклини кучайтириш.

14. “Адолат — қонун ус-творюлигида”, “Аҳоли му-рожаатлари — доимий эътиборда” шиорлари остида қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари ва амалиётини ривожлантириш.

15. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузуридаги фахрийлар кенгашларини уюшмаган ва тарбияси муаммоли ёшлар билан ишлашга кенг жалб қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини, ниятларини рўйбга чиқариш.

16. “Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман” шиори остида турли кўргазмалар материаллар тайёрлаш ва тарқатиш.

Давлат гранти ажрати-лиши учун куйидаги хуж-

жатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 30 миллион сўмгача.

Хужжатлар 2018 йил 15 мартдан 20 апрелгача қабул қилинади.

Хужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 43-уй.

Хужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, РЕСПУБЛИКАДАГИ ИШ БЕРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

тақсимот комиссияси 2017/2018 ўқув йили битирувчиларини иш жойларига тақсимлаш ва тавсия этиш бошланганлигини ҳамда жорий йилнинг 16 март куни институтда иш берувчилар иштирокида «Карьера куни» меҳнат ярмаркаси ўтказилаётганлигини эълон қилади.

Шу муносабат билан мулкчилик шаклидан қатъи назар, республикадаги барча иш берувчиларни мазкур тадбирга таклиф этади. Сиз ушбу тадбирда ёш кадрларни сўхбат асосида танлаб олиш ва уч томонлама шартнома имзолаш имкониятига эга бўласиз. 2017/2018 ўқув йили битирувчилари тўғрисидаги йўналишлар ҳамда ҳудудлар кесимидаги маълумотни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар)		Жами битирувчилар сон	шу жумладан		Битирувчилар сонининг ҳудудлар бўйича тақсимоти													
	Коди	Номи		грант	шартнома	Коракалпо-встон Рес-публикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Кашкадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
Институт бўйича жами:			1011	335	676	29	3	18	31	120	25	6	51	46	123	109	14	72	364
шундан:																			
Бакалаврият:			931	299	632	28	3	17	27	114	24	4	48	45	116	102	13	68	322
1	5111012	Касб таълими: енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси	35	10	25	3		1	1	4	1			5	6	3		2	9
2	5111034	Касб таълими: табиий тоғаларни дастлабки ишлаш технологияси	15	5	10					3			1		3	7			1
3	5150900	Дизайн (либослар дизайни)	48	5	43			1	1	2	1		1	2	3	5	3	4	28
4	5230200	Менеджмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	22	4	18		2			3	2		1	1	5	1	1	1	4
5	5230900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	25	5	20					3					6	2	1	4	8
6	5311000	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш	57	20	37	1		1		8			4	6	4	5		3	25
7	5320300	Технологик машиналар ва жиҳозлар	126	52	74	4		1	4	19	2		7	8	33	13	1	8	26
8	5320400	Кимёвий технологияси	95	32	63	5			4	19	2		5	3	4	13	1	4	35
9	5320800	Матбаа ва қадоклаш жараёнлари технологияси	44	15	29	1				4		1	1		4	5	2	2	26
10	5320900	Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси	338	118	220	5	1	10	9	36	14	1	20	13	38	35	5	23	128
11	5321200	Табиий тоғаларни дастлабки ишлаш технологияси	78	28	50	8		2	6	7			6	5	9	6	1	9	19
12	5610600	Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси	48	5	43	1		1	2	6	2		2	2	4	7		8	13
Магистратура:			80	36	44	1	0	1	4	6	1	2	3	1	7	7	1	4	42
1	5A150901	Дизайн (либослар дизайни)	3	1	2			1											2
2	5A311001	Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)	5	2	3					1		1	1		1			1	
3	5A320302	Машинашунослик	4	2	2				1					1		1			1
4	5A320310	Тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари	6	2	4					1						1			4
5	5A320315	Пахта саноати машиналари ва жиҳозлари	5	3	2					1					2	1			1
6	5A320402	Органик моддалар кимёвий технологияси (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	4	2	2												1		3
7	5A320405	Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси	4	2	2													1	3
8	5A320802	Матбаа технологияси ва дизайни	4	2	2														4
9	5A320901	Тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш технологияси (хом ашё тури бўйича)	10	3	7										1	1		1	7
10	5A320902	Тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш	8	4	4					1			1		2	2			4
11	5A320903	Чарм ва мўйна буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш	7	3	4				1			1							5
12	5A320904	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (маҳсулот тури бўйича)	7	3	4	1				1					1				4
13	5A320905	Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари материалшунослиги, экспертизаси ва сифат назорати	5	2	3					1					1	1			2
14	5A320906	Тўқимачилик саноати буюмларини бадий лойиҳалаш (диссинаторлар)	2	2											1			1	
15	5A321201	Пахтани дастлабки ишлаш ва уруғ тайёрлаш технологияси	6	3	3				2		1		1						2

Таклиф ва фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 253-06-06, 253-66-48, (+99890) 958-50-98, 186-99-38. Факс: (+99871) 253-36-17. Электрон почта: titl_info@edu.uz Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй.

2478/114

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

